



БЕЗОРИЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ БАҲО БЕРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Сардор Мирзараимов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-07>

ARTICLE INFO

Received: 25th January 2023

Accepted: 03rd February 2023

Online: 04th February 2023

KEY WORDS

Майда безорилик, безорилик,
жамиятда ўрнатилган
юриш-туриш қоидалари,
қаршилиқ кўрсатиш,
жиноят иши, моддий зарар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада бугунги кунда безорилик жиноятлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда учраётган квалификациян муаммолар, исботлаш жараёнининг ўзига ҳос жиҳатлари ва мазкур масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари, жабрланувчи шахси, унинг ҳуқуқлари ва мавзуга доир бошқа масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида илғор хорижий тажриба, илмий-назарий қарашлар ва тергов ҳамда суд амалиёти ўрганилган, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси, Жиноят кодексига ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дунёда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи турли кўринишдаги ҳаракатлар ва ахборот уруши авж олиб бормоқда. Бунда жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланган безорилик жиноятларининг янги турлари оммалашиб бораётганлигини мазкур жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш тактикасини янада такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш лозимлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “... айти вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб кўймоқда” [1].

Дарҳақиқат юртбошимиз томонидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш масалаларини ривожлантириш зарурати ушбу ислохотларнинг алоҳида муҳим қисмини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида етти устувор йўналишдан бири бўлган, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналишида “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон



қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” кўрсатиб ўтилган[2]. Мазкур масалалар Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақомини мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлиб хизмат қилади.

Безорилик жиноятларини тергов қилишда аввало безорилик қилмишини жиноий-ҳуқуқий квалификация қилишни талаб этади ва мазкур норманинг таҳлили мавзунини ёритишда бирламчи аҳамият касб этади.

Безорилик ҳаракатлари ўзининг ижтимоий хавфлилиги нуқтаи назаридан жавобгарликнинг маъмурий ва жиноий тури билан фарқланади. Шу боис даставвал, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик ҳуқуқбузарлигини ёритиш лозим бўлади. Нормага кўра, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик – майда безорилик ҳуқуқбузарлигини таркибини ташкил қилади[3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси дипозициясида безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса дея белгиланган[4]. Юқоридаги нормаларнинг ҳуқуқий таҳлили мазкур қилмишларни қай бири ҳуқуқбузарлик ва қай бири жиноий қилмиш эканлиги борасидаги аниқ чегарани белгилашга хизмат қилади. Бугунги кунда амалиётчиларни безорилик ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда мавжуд энг катта муаммо сифатида мазкур аниқ таҳлилнинг мавжуд эмаслигидир. Сабаби майда безорилик ҳуқуқбузарлиги ва безорилик жиноятлари ўзаро ўхшаш ҳаракатларни назарда тутаяди ҳамда қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда мазкур ўхшашлик квалификациядан адашишларни келтириб чиқаради.

Ж.А.Джавкашевнинг фикрига кўра майда безориликни тўғри ҳуқуқий баҳолаш учун айнан нормада келтирилган ҳаракатларни қасддан содир этилишини зарурий шарт дея баҳолаб, унда уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш, жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш, фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши каби ҳаракатларни назарда тутаяди дейди, ҳамда мазкур ҳаракатларни барчасини бир вақтда эмас, балки улардан бирортаси содир этилиши ҳуқуқбузарлик деб топиш учун етарли ҳисобланади[5].

А.А.Худайбердиев ва Ю.Б.Искандаровлар безорилик жиноятига тавсиф бериб унда, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик йўли билан содир этиладиган безориликни жиноят сифатида баҳолаш учун қилмишда қуйидаги белгилардан бири мавжуд бўлиши шарт: уриш-дўппослаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар; баданга енгил шикаст етказиш; анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда ўзганинг мулкига шикаст етказиш; анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда ўзганинг мулкини нобуд қилиш[6].

Юқоридаги фикрларига қўшилиш мумкин, сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти



ҳақида”ги 9-сонли қарорига кўра, безорилик қилмишини жиноят сифатида баҳолаш учун юқорида кўрсатилганларнинг (уриш-дўппослаш; баданга енгил шикаст етказиш; анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда ўзганинг мулкига шикаст етказиш; анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда ўзганинг мулкани нобуд қилиш) барчасининг бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилмайди.

Ўз навбатида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш деганда нимани тушуниш лозимлигини билиб олишимиз зарур.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик билан боғлиқ ҳаракатларнинг батафсил ва қатъий рўйхатини бериш мушкул бўлиб, бу ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб баҳолашни талаб этадиган жараён ҳисобланади.

Уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади.

Безорилик жиноятларини тергов қилишда аввало безорилик ҳаракатлари бевосита жамоат жойларида содир этилиши билан боғлиқ бўлганлиги ва қасд аввало жамоат тартиби ҳамда жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидалари саналганлиги боис жамоат жойи ва жамиятда ўрнатилган юриш туриш қоидаларига қўшимча тушинтиришлар бериш мақсадга мувофиқ. Мазкур тушунтиришлар ҳуқуқни қўлловчилар орасида кенг тарқалиши ёки Олий суд Пленуми қарори сифатида мустаҳкамланиши албатта бу борада ишларни тўғри ҳал этилишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидагилар жамоат жойлари ҳисобланади:

доимий жамоат жойлари – кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, тегишли идоралар томонидан кеча-ю кундуз фаолият олиб боришига рухсат берилган дам олиш масканлари, жамоат транспортлари;

даврий жамоат жойлари – тегишли идоралар томонидан кунлик ва мавсумий иш вақти белгилаб берилган жойлар, яъни пляжлар, усти очик ва ёпиқ кинотеатрлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини териб олиш учун фуқароларнинг уюшган ҳолда тўпланадиган дала майдонлари, музейлар, кутубхоналар, клублар, барча турдаги даволаниш муассасалари (ички тартиб-қоидаларга кўра ташриф вақти белгиланган, яъни беморларни кўришга келганларнинг киришига рухсат берилган вақтлар), умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари, чойхона, ресторан, бар, кафелар киради (кириш-чиқиш жойлари алоҳида назоратга олинганлари бундан мустасно);

бир марталик жамоат жойлари – фуқароларнинг уюшган ҳолда шаҳар ташқарисидаги очик майдонларга, тоғларга ва адирликларга сайилга чиқиш жойлари;

кўча – сутканинг ҳар қандай вақтида барча учун очик бўлган жойлар, яъни транспорт ёки пиёдалар ҳаракатланадиган йўлаклар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, кўприклар, эстакадалар, жамоат транспортлари бекатлари, пляжлар, бозорлар,



истироҳат боғлари (фаолият олиб бориш вақти чегараланмаган бўлса), тор кўчалар, боши берк кўчалар, умумий ҳовлилар (хусусий ҳовлилар ҳамда эшиклари ёпиладиганлари бундан мустасно) , кўп қаватли уйларнинг подъездлари (ёпиладиганлардан ташқари), ўрмон парк зоналари, карьерлар, ялангликлар, очиқ сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва бевосита сув ҳавзалари.

Шу билан бирга амалиётчиларга қуйидаги жойлар жамоат жойлари ҳисобланмаслигини ва мазкур жойларда содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо беришда эътиборга олишлари лозимлигини таъкидлаш лозим. Ҳусусан:

– чет эл элчихоналари, ваколатхоналари ва қароргоҳларига тегишли ёки давлат томонидан узоқ йиллик шартномага асосан ижарага берилган ерлар ва участкалар худудлари;

– фуқароларнинг хусусий хонадонлари ва ҳовли жойлари;

– фуқаролар томонидан умумий тартибда (спорт, кўнгилочар ва бошқа) тадбирлар ўтказишда фойдаланиш учун жиҳозланмаган ертўла ва чордоқлар, қаватлараро ўтиш жойлари, томлар, зинапоялар, лифтлар, умумий фойдаланишдаги хонадонлар ва бошқа шу каби жойлар;

– маълум даврларда фаолият кўрсатмайдиган мавсумий дам олиш жойлари, яъни клублар, театрлар, кўргазма заллари, музейлар, кутубхоналар, ресторанлар, кафелар, ошхоналар, стадионлар, магазин ва бошқа дўконлар (ишламаган вақтларда);

– маълум вақтгача, яъни йил, мавсум, ҳафта ва кеча-кундуз давомида иш фаолияти тўхтатилган (таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли) ёки фуқаролар учун ёпиб қўйилган жойлар: ётоқхона, пансионат, профилактория, дам олиш уйлари, меҳмонхоналар ва бошқа шунга ўхшаш жойлар;

– қўриқланадиган объектлар худуди (фуқароларнинг эркин кирибчиқиши тақиқланган жойлар);

– йўналишдаги йўловчи поездларнинг ишламаётган тамбурлари, купелари, ҳожатхоналари ва бригада аъзолари учун ажратилган махсус хоналар, йўловчи поездлари тўхтамайдиган темир йўл бекатлари (вокзал мақомига эга бўлмаганлари)нинг перонлари.

Ўз навбатида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш деганда нимани тушуниш лозимлигини билиб олишимиз зарур.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) кўпол тарзда бузиш тушунилади.

А.А.Худойбердиевнинг фикрига кўра, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик билан боғлиқ ҳаракатларнинг батафсил ва қатъий рўйхатини бериш мушкул бўлиб, бу ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб баҳолашни талаб этадиган жараён ҳисобланади[7].

Мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилишда энг кўп дуч келинаётган хатолардан бири – бу амалиётчилар нуқтаи назарида майда безорилик ҳуқуқбузарлигида ҳам шахс уриш-дўппослаш каби ҳаракатларини содир этиши мумкин



деган тушунчанинг мавжудлигидир. Яъни, шахс безорилик ҳаракатларини содир эта туриб, жабрланувчининг баданига суд тиббий нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин бўлмаган тан жароҳатини етказиши ёки соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказган ҳолларда қилмишни майда безорилик ҳуқуқбузарлиги сифатида баҳолаш амалиётда кўплаб учрайди.

Ҳуқуқни қўлловчи амалиётчилар ўртасида ўтказилган сўровномалар давомида, безорилик жиноятининг субъекти томонидан жабрланувчига юқорида баён этилган оғирликда етказилган тан жароҳати билан боғлиқ ҳолларда қилмишни майда безорилик сифатида квалификация қилиниши асосий сабаби сифатида исботлаш билан боғлиқ ҳолларда учрайдиган тўсиқлар ёки жабрланувчи айбланувчи билан ўрталарида олдиндан ихтилоф бўлганини билдириб ўзининг кўрсатмасидан қайтиши ҳоллари сабаб бўлаётганлигини билдиришди[8].

Безорилик жиноятларига ҳуқуқий баҳо беришда яна бир эътибор бериш лозим бўлган жиҳат мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси учинчи қисм “г” бандида безорилик: жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Амалиётда безорилик жиноятларини тергов қилиш жараёнида ҳолатга юқоридаги банд билан ҳуқуқий баҳо бериш келиб чиқаётган бир қатор хатоликлар учрайди.

Жумладан: Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар А.Жомий МФЙ А.Жомий кўчасида жойлашган дўкондан А. исмли шахс бир баклашка пиво олиб дўкон эгасига пулини тўламасдан дўконни тарк этишга ҳаракат қилади ва унга қаршилик қилган Б. исмли сотувчига ҳеч бир сабабсиз қўллари билан бир неча зарба беради. Бу вақтда дўконда бўлган В. исмли шахс уларни ажратишга ҳаракат қилади, бироқ А.исмли шахс В. исмли шахсга ҳеч қандай тан жароҳати етказмасдан Б. исмли сотувчига яна бир неча зарба бериб воқеа жойидан яширинади. Шундай бўлсада, Янгиер шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи терговчиси мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси учинчи қисм “г” банди билан малакалайди[9].

“Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Қарори 10-бандида Безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш (тўхтатиш) чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан, уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан тўлиқ қамраб олинади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.” дея белгиланган[10].

М.Х.Рустамбаев бу борада “Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш – қасддан уриш, енгил ёки оғир тан жароҳати, жисмоний оғриқ етказишда ифодаланадиган фаол ҳаракатлардир.



Жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи ҳокимият вакили ёки жамоатчилик ёхуд безорилик ҳаракатига қаршилик қилган фуқаро баданига ўртача шикаст етказишни келтириб чиқарган қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ бўлиши лозим.” деб таъкидлайди[11].

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, амалиётда жиноятларни малакалаш билан боғлиқ учраётган аксарият хатоликлар айнан нормада ишлатилган мавхум сўзлар ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган жумлаларни қўлланганлиги билан боғлиқ деган фикрдамиз. Шу сабабли безорилик жинояти назарда тутилган мазкур бандда “қаршилик қилиш” деган жумлаларни “уриб-дўппослаб” ёки “тан жароҳати етказиб” деган жумлалар билан алмаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади.

Юқорида номи келтирилган Олий Суди Пленумининг 9-сон Қарорига мувофиқ, майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилади деб белгилаб қўйилган[10].

Яъни, Олий суд шахс безорилик ҳаракатларини содир эта туриб, жабрланувчининг баданига суд тиббий нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин бўлган айнан қандай тан жароҳатини етказиши жавобгарликни келтириб чиқариши борасида тушунтириш бермаган.

Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўлловчи амалиётчилар ўртасида турли хилдаги тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Бу борада ўтказилган сўровномалар давомида, респондентларнинг кўпчилиги (44%) бундай ҳолларда жабрланувчига соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келган қасддан баданга енгил шикаст етказган ҳоллардагина безорилик жиноятини таркибини беришини билдирган бўлса, 29 % респондентлар бунда оғирлик даражасидан қатъий назар етказилган тан жароҳати билан боғлиқ ҳолларда қилмишни безорилик сифатида квалификация қилиниши лозимлигини билдиришди[8].

Юқоридаги сўровнома натижаларидан ҳам маълум бўлмоқдаки, амалиётчилар бу борада яқдил фикрга эга эмас. Шу сабабли, Судлар майда безорилик ҳисобланган маъмурий ҳуқуқбузарликни безорилик жиноятдан фарқловчи Пленум қарори қайта қабул қилиши ва бу борада барча назария ва амалиётда мавжуд муаммолар бўйича тушунтиришлар бериб ўтишлари мақсадга мувофиқ. Қолаверса “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 9-сон Қарори 2002 йил 14 июндан буён амалда эканлиги ва ўткан давр мобайнида мазкур ҳолатларга оид ижтимоий муносабатлар ўзгарганлиги ҳамда янгича вазиятлар бу борада илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этишини унутмаслик лозим.



Майда безориликка оид яна бир неча муҳим жихатни ёайд этиш лозим. Бугунги кунда МЖТКнинг 183-моддасига асосан

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида Суд ҳукми билан маъмурий қamoқ жазоси қўлланган шахсларнинг **25 795** нафари МЖТКнинг **183-моддасига** асосан ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун маъмурий қamoқда ушлаб турилган бўлиб, мазкур кўрсаткич бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан бир неча баробар кўпдир. Жумладан, маъмурий қamoқ қўлланган бошқа ҳуқуқбузарликлар улуши – 8 851 нафари МЖТКнинг 187-моддасига асосан, 73 нафари МЖТКнинг 188³-моддасига асосан, 3 898 нафари МЖТКнинг 131, 136-моддаларига асосан, 3 046 нафари МЖТКнинг 194, 195-моддаларига асосан ва 7 783 нафари бошқа ҳуқуқбузарликлар ташкил этади[12].

Мазкур жинойтларга оид статистика маълумотлари унинг “тарқалганлик” даражасини кўрсатади. Масалан, 2015 йилда умумий жинойтчиликнинг 3,6 %; 2016 й. – 3,2 %; 2017 й. – 2,5 %; 2018 й. – 2,05 %; 2019 й. – 2,3 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг 6 ойида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 152,3 % ўсган[13].

Мазкур статистик рақамлар майда безорилик ҳуқуқбузарлиги маъмурий амалиёти безорилик жинойтини профилактикасида самарали хизмат қилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бироқ шу билан бирга мазкур статистик рақамлар билан ифода этилаётган маъмурий амалиётнинг таркибида безорилик жинойти сифатида малакаланиши лозим бўлган жинойтлар ҳам мавжуд деб ўйлаймиз. Мазкур ҳолатларга йўл қўйилганлигини эса амалиётчилар нуқтаи назаридан, исботлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ва (ёки) жинойтчиликни айни тури кўпайишини олдини олиш билан сунъий курашиш сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги таҳлилларга хулоса ўларoқ, ҳуқуқбузарлик ва жинойт ўртасидаги квалификациян чегарани аниқ қайд этиш ва бу борада изланишларни давом эттириш муҳим ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз жинойт-ҳуқуқий соҳада бир неча йиллардан буён илғор ислоҳотлар йўлидан бормoқда, бу эса бугунги кун талаби бўлган – инсон қадрини улуғлаш ва мазкур жараённинг бош мезони сифатида айнан инсон қадрини белгилаш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>. – Т.: 2022 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/acts/97664>
4. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси <https://lex.uz/docs/111453>
5. Джавкашев Ж.А. Безорлик жинойти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Central asian research journal for interdisciplinary studies (carjis). 2022 й. 540 б.



6. Худайбердиев А.А., Искандаров Ю.Б. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарликларининг криминологик тавсифи. // <https://doi.org/10.5281/zenodo.7432078>
7. Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарликларининг криминологик тавсифи // Development of pedagogical technologies in modern sciences International scientific-online conference – Т.,– 2022
8. Тадқиқот иши доирасида амалиётчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари.
9. Жиноят ишлари бўйича суд амалиёти обзори. Жиноятни квалификация қилиш масалалари. 5-348-18- сонли ажрим <https://sud.uz/> мурожаат санаси 25.12.2022 йил
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Қарори Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида 2002 йил 14 июнь, 9-сон
11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 272 бет
12. Ички ишлар органларининг махсус муассасалари фаолиятини ташкил этилишида 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида маълумотидан
13. Dilnoza Karaketova. Criminological characteristics of hooliganism and the personality of the hooligan Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот-таҳлил марказининг маълумотлари.